КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 117 (6721).

12 ИЮНЬ ШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Областимиз ғаллазорларида ўрим-йиғим бошланди. Бекобод, Чиноз, Бўка, Пискент, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районлари комбайнчилари ўз агрегатларини кенг ғаллазорларга олиб чиқдилар. Улар дастлабки кунданоқ ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, юқори кўрсаткичларга эришиш учун курашмоқдалар.

Чиноз районида ўтган куни йиллик планнинг 3,6 процента миқдорида ғалла ўрилиб, энг юқори кўрсаткичга эришилди. Бўка районида ўтган куни йиллик планнинг 1,6 процента, Бекобод районида 1,3 процента, Пискент районида йиллик планнинг 1,1 процента миқдорида ғалла ўрилди. Ўша куни областимиз бўйича 69 комбайн ишлади, 550 гектар майдондаги ғалла ўриб олинди.

Эрта-индин комбайнлар сони янада кўпайтирилади. Комбайнчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ И. ГАНДИ БИЛАН УЧРАШДИ

10 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон Республикаси Бош министри Индира Ганди билан учрашуви бўлди.

Л. И. Брежнев билан И. Ганди ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида Совет — Ҳиндистон икки томонлама муносабатлари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи энг муҳим халқаро проблемадар муҳокама қилинди.

Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Ҳиндистон Шартномасининг муҳим аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Бу Шартнома Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга ёрдам берди, Осиёда ва бутун дунёда стабиллаштирувчи омил бўлди. Ҳар икки томон Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстликни янада кучайтиришга ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳамкорликнинг янги формаларини қидиришни давом эттиришга интилаётганлигини изҳор этди. (ТАСС).

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

11 июнда Кремлда Совет-Ҳиндистон музокаралари тугалланди.

Музокараларни:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико;

Ҳиндистон томонидан — Ҳиндистон Республикасининг Бош министри И. Ганди, ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван, планлаштириш давлат министри Ш. Гхош, Ҳиндистонинг СССРдаги элчиси И. К. Гужрал олиб бордилар.

Томонлар тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома негизида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ва кучайтириш истиқболлари билан боғлиқ бўлган масалаларни қараб чиқиш, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олишни тугалладилар.

Музокаралар самимий, дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

11 июнь куни Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Москвадан жўнаб кетди. Шереметьево аэропортида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико самолёт пиллапояси ёнида Ҳиндистон Бош министрини чин кўнгилдан самимий кузатиб қолдилар.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Ереван ва Тбилисини бориб кўради.

(ТАСС).

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН

ШЎРЧИ, 11 июнь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сурхондарё область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини, самарадорлик ва иш сифати учун қандай кураш олиб борилаётганлигини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов доклад қилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

ДЕКЛАРАЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

11 июнь куни Кремлда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация имзоланди.

Декларацияни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Ҳиндистон Республикасининг Бош министри И. Ганди имзоладилар.

Декларацияни имзолаш чоғида:

Совет томонидан — В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, К. У. Черненко, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари;

Ҳиндистон томонидан — ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван, давлат планлаштириш министри Ш. Гхош, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси И. К. Гужрал, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида ғўзани культивация қилиш пайти. А. Абалян фотоси.

ОЛИЖАНОБ БУРЧ

Партия мамлакатимиз иқтисодий ва маданий жиҳатдан яна ҳам куч-қудратга тўлиб, гуллаб-яшнаши учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Совет кишилари ана шу ғамхўрликка жавобан партия Марказий Комитетига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилиб, унинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар. КПССнинг XXV съездида тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программаси ишлаб чиқилди. Совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев олга сурган ва съезд томонидан маъқулланган бу программани, СССРнинг ички ташқи сиёсий йўлини қизғин маъқулламоқдалар. Бу йўл барча халқларнинг туб манфаатларига, уларнинг тинчлик ва хавфсизлик, эркинлик ва мустақиллик шароитида яшашга ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёт йўлидан боришга бўлган интилишларининг чуқур ифодасидир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг муваффақиятли тугалланганлиги шу қитъа халқлари ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, ялпи ва тўла қуролсизланиш учун кураш бундан буён ҳам КПСС ва Совет ҳукумати ташқи сиёсий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Шу билан бирга, гарчи уруш хавфи камайган бўлса ҳам жаҳонда қуролланиш, жумладан, стратегик қуролларни ишлаб чиқариш пойгаси давом этмоқда. Сиёсий ва ҳарбий тангликни юмшатиш душманлари халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш принциплари асосида қайта қуриш жараёнига тўсқинлик қилишга уринмоқдалар.

Бутун дунё халқлари эндиликда жуда кўплаб маблағларни ютиб юбораётган бу хавфли қуролланиш пойгасига чек қўйишни, ялпи ва тўла қуролсизланиш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлини бундан буён ҳам давом эттиришни талаб қилмоқдалар.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиуми халқлар хоҳиш-иродасини ифода қилиб, ўзининг 1975 йил июнь ойида ўтказган сессиясида барча парламентлар ва ҳукуматларга, сиёсий партиялар ва касаба союзларига, ижтимоий ҳаракат ва ташкилотларга, дунёнинг ҳамма халқларига мурожаат қилиб, қуролланиш пойгасига қарши, қуролсизланиш учун оммавий кампанияни авж олдириш ва чақириб, мурожаатнома қабул қилди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиуми шуни таъкидладики, тинчлик ва тангликни юмшатиш учун курашда эришилган ғалабалар халқаро майдонда янги иқлимни вужудга келтирди, дунё халқларида тинчликка ишонч ва оптимизм руҳини уйғотди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бу даъвати қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш учун курашга чақирди. Хитобнома тинчлик учун миллий ҳаракатлар вакиллари Жаҳон конференциясининг 1975 йил ноябрь ойида Ленинградда бўлиб ўтган конференцияси қатнашчилари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Конференция иштирокчилари ўз нутқларида шуни бир овоздан таъкидладиларки, эндиликда тинчликпарвар кучларнинг энг муҳим иши — ҳар бир эркак ва аёл, тинчликни қадрлайдиган, ўз болаларига бахт-саодат ва хотиржам яшашни тилайдиган ҳамма кишилар қуролланиш пойгасига узил-кесил рад жавоб беришларига эришишдан иборат.

Қуролланиш пойгасини тўхтатишга қарши, қуролсизланиш учун бошланган оммавий кампания давомида Совет Иттифоқида митинглар ва йиғилишлар бўлиб, уларда меҳнаткашлар Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Энди кампания янги босқичга қадам қўйди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб янги Стокгольм хитобномасига имзо тўплаш оммавий тадбири бошланди.

Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети, область комитетлари, уларнинг кўп сонли активи партия ташкилотлари раҳбарлигида ана шу оммавий имзо тўплаш ишини бошлаб юбормоқдалар. Шу муносабат билан корхона ва муассасаларда, колхоз ва совхозларда меҳнаткашларнинг йиғилиш ва митинглари ўтказилиб, уларда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш учун бошланган ҳаракат қўллаб-қувватланаётганлиги ифодаланган резолюциялар қабул қилинади.

Касаба союз ва комсомол комитетлари, «Билим» жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари биргаликда оммавий пропаганда ишини авж олдириб, кўргазмали агитацияни ташкил қилишлари, «думалоқ стол» атрофида суҳбатлар ўтказишлари, ишчилар ва қишлоқ клубларида «Тинчликни ҳимоя қилиш — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши» мавзуида кечалар ўтказишлари, олий ўқув юртлари ва мактаблардаги интернационал дўстлик клубларида ёшларнинг тематик кечаларини уюштиришлари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар фестивалларини ўтказиш зарур.

Тинчлик фондига ишдан ташқари вақтда ишланган, ҳаваскорлик ва профессионал ижодий коллективларнинг концертларидан тушган маблағларни ажратаётган коллективларнинг ташаббусларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш керак. Фақат шу йилнинг ўзида Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд» заводи, химиклар маданият саройи, «Звезда Востока» клуби, Тошкент политехника институти бадиий ҳаваскорлари ва бошқалар Тинчлик фондига талайгина маблағ ажратдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликсевар жамоатчилигини инсониятнинг ҳушёр кўзи, унинг ўткир виждони, деб таърифлади. Прогрессив жамоатчилик неча ўн йиллар мобайнида реакция ва уруш кучларига қарши туриб, халқларнинг бахти ва эрки учун курашиб келмоқда.

А. БРАИЛОВ,
область касаба союзлари советининг раиси, Тинчликни ҳимоя қилиш область комитетининг раиси.

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИНИ 10—15 ИШ КУНИДА ТУГАЛЛАЙЛИК

Бу йилги оби-ҳаво шароити ғаллакорларимиз учун анча қулай келди. Ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Областимизда ҳаммаси бўлиб 78600 гектар ерда бошоқли дон экинлари ўстирилди. Бундан 68 минг гектари ламмикор, 10 минг гектардан ортиғи сувли ердир.

Область хўжаликларида ўрим-йиғим ишларини жадаллик билан бошлаб юборилди. Ҳар бир хўжаликда ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказиш мақсадида графиклар тузиб чиқилган. Бунда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1976 йилда ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ем-хашак тайёрлашни таъминлашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисидаги қарори асосий ҳужжат қилиб олинди.

Ана шу график асосида областимиз бўйича ғаллани 10—15 иш кунида ўриб-йиғиб олиш ва давлатга топшириш учун зарур тадбирий чоралар белгиланди. Ҳар бир районда ва областимизда штаб ташкил этилган. Ҳозирги кунда штаб аъзолари колхоз ва совхозларда бўлиб, ўрим-йиғимни намунали ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришда хўжаликларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бу йилги шароитда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, кучли шамол эсиб турганлиги натижасида Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ районлари хўжаликларида кузда экилган анчагина майдондаги ғалла ерга ётиб қолган. Ана шу ғаллани нобуд қилмасдан, бир бошоғини ҳам ерда қолдирмасдан ўриб олиш комбайнчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам бундай майдонлардаги ғаллани ўриб олишга маҳоратли, яхши тажрибага эга бўлган комбайнчиларни белгилаш керак бўлади. Айрим илғор хўжаликлар бу масалага жиддий эътибор бериб, комбайнларнинг олдига кўтаргич мосламалар ўрнатилишини маслаҳат бермоқдалар. Бу фойдали таклифни ҳамма хўжаликларда қўллаб-қувватлаш керак.

Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ, Бекобод, Бўка, Пискент районлари ғаллакор хўжаликларида ҳосил, айниқса, мўл бўлди.

Ҳозиргача область колхоз ва совхозларида 500 та комбайн ремонтдан чиқариб қўйилди. Бироқ баъзи бир хўжаликларда тайёр, деб айтилган комбайнларни яна бир бор текшириш керак.

Ҳамма хўжаликда ҳам бу йилги шароитда комбайнларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш зарур. Курсларни битираётган курсантлар, тракторчи, механизаторлар ва шоферлар ҳисобига комбайнчилар сафини кенгайтириш талаб этилади.

Давлатга сифатли дон етказиб бериш энг муҳим вазифадир.

Ана шу мақсадда хирмон жойларни пухта жиҳозлаш, асфальтлаш, тозалаш техникаларини шай қилиб қўйиш керак. Ғалла қабул қилиш пунктларининг раҳбар ходимлари бу ишга алоҳида эътибор беришлари лозим. Хўжаликлардан давлат омборларига келтириладиган ғалланинг ифлослиги ва намлилиги белгиланган нормадан ошмаслиги даркор.

Давлатга сотиладиган уруғлик ҳам юқори даражада сифатли бўлиши шарт. Шунинг учун энг яхши, юқори ҳосилли карталарни ажратиш ва ҳар хил бегона ўтлардан тозалаш зарур. Жамоат чорвачилиги учун арпа, сули ҳисобига керакли миқдорда ем тайёрлаш ҳам муҳим масалалардан биридир.

Бу йилги мавсумда ғаллазорларда 160 дан ортиқ ғалла тозалаш машиналари, 140 тадан кўпроқ кўчма автомашиналар, юздан ортиқ техника хизмати кўрсатадиган агрегатлар, 180 та заправка машиналари, 500 га яқин автомашина ва кўплаб трактор прицеплари ишлайди.

Далада меҳнат қилаётганларга яхши шароит яратиб бериш — ўрим-йиғимни намунали ўтказишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Н. НОСИРОВ,
Тошкент область ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон тайёрлаш штабининг бошлиғи.

МУСОБАҚАДОШ Ўрта Чирчиқ районининг пахтакорлари Чиноз районининг хўжаликларида тез-тез бўлиб туришади. Эришаётган ютуқларни кўздан кечиришади. Камчиликларни аниқлашиб, уларни тузатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришади. Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бир группа пахтакорлари Чиноз районидаги Киров номли хўжалигининг далаларида.

П. Нишонов фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — йиллик топшириқ, тонна ҳисобида, иккинчи устун — планнинг бажарилиш процента.

Пискент	27.000	58,7
Калинин	39.000	56,3
Оққўрғон	34.500	54,7
Янгийўл	36.000	54,2
Тошкент	26.500	52,9
Бекобод	39.000	52,7
Қуйи Чирчиқ	54.000	52,4
Бўка	37.000	50,3
Ўрта Чирчиқ	38.000	45,4
Чиноз	41.000	44,3
Оҳангарон	67.500	42,9
Орджоникидзе	27.500	40,3
Бўстонлиқ	46.000	38,5
Юқори Чирчиқ	60.000	37,0
Область бўйича	573.000	47,7

ИЖОДИЙ ХОДИМЛАР КЕНГАШИ

Самарқандда область ижодий ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгашни Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов очди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXV съезди талаблари асосида ижодий зиёлиларнинг вазифаларини муҳокама қилдилар. Партия съезднинг ҳужжатларини кенг пропаганда қилишни ташкил этишга, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

АНГРЕН ШАҲРИ ЎТТИЗ ЁШДА

ИНДУСТРИЯМИЗ ФАХРИ

Ангрен — Ўзбекистоннинг энг ёш социалистик шаҳарларидан бири. Шаҳарда кейинги йилларда 235 минг квадрат метр турар жой бунёд этилди. Шун ингдек, кўплаб маданий-маиший объект лар ишга туширилди. Шу йилнинг ўрталарида шаҳар ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. Суратда: Ангреннинг бугунги кўриниши.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

СЕРЖИЛО, СЕРНУР

А. САИДОВ,

Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

ШАҲРИМИЗ ҳали навқирон. Унинг ташкил этилганлигига эртага ўттиз йил тўлади. Ангреннинг шу қисқа даврга хос ажойиб таржимаи ҳоли ва тарихи бор. Ўттизинчи йилларда Ўзбекистон ўзининг мустаҳкам ёқилғи базасига эга эмас эди. Бу камчиликни йўқотиш учун республика геология-қидирув ишлари авж олдирилди. Геологлар — Д. М. Богданович, В. А. Вировцев Ангрен дарёсининг ёнгинасида беқиёс кўмир бойлиги мавжудлигини аниқладилар. Лекин «қора олтин» ҳавзасини тўла ўрганиш, унинг халқ хўжалиги учун қанчалик аҳамиятлилигини батафсил кўрсатиб бериш ишлари Григорий Степанович Чикризов томонидан амалга оширилди.

Бўлажак шаҳарнинг тақдирида ВКП (б) XVIII съезди муҳим роль ўйнади. 1938 йилда бўлиб ўтган партиянинг бу анжуманида уруш ҳавфи муносабати билан мамлакат шарқида кўмир ва саноат базасини барпо этиш вазифасини илгари сурган эди. Съезд кўрсатмаларидан ва ҳукуматимизнинг тегишли органлари қарорларидан кейин дарё ёқасида шахталар ташкил этила бошланди. Орадан бир йил ўтмасданоқ Жигаристон, Жартепа, Турк, Тешиктош, Қўйхона қишлоқлари ўрнида олти минг аҳолиси бўлган «Ангреншахтострой» посёлкаси қад кўтарди.

Кўмир ҳавзасида тупроқ ковлаш, уни ташиш ишлари халқ хашари йўли билан бажарилар эди. Бунда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган областларининг меҳнаткашлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Биргина 1941 йилнинг ўзида 3 миллион сўмликдан кўпроқ ер қазиш ишлари қўлда бажарилди.

Ангренликлар 1942 йилда республикага ўзларининг биринчи кўмирларини жўнатдилар. 500 тоннадан ортиқ ёқилғи ортилган эшелонни Тошкентга ёш шахтёрлар Турғун Хасанов, (ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони), Бакиева, Данюшенколар кузатиб келишди. Энди республика кочегаркаси иш бошлаган эди. Ангрен шахталарида ҳали унчалик тажрибага эга бўлмаган Ўзбекистонлик кончилар билан биргаликда Донбасс ва Кузбасс шахталарининг илғор ишчилари бир сафда туриб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишарди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистоннинг 1700 нафар ўғил-қизи шахтёрлик касбини эгаллади. Булар орасида опа-сингил Ҳанифа ва Санобар Саидовалар, Зуҳра Каримова, Анна Филатова ва бошқа қатор ўзбек қизлари ҳам бор эди.

Ватан озодлиги учун оловли жанглар кетаётган йилларда кўмир корхоналари билан биргаликда турар жойлар ҳам қад кўтара бошлади. Уруш йиллари посёлка аҳолисининг сони 20 минг кишидан ошиб кетган эди. Совет Армияси фашизм устидан ғалаба қозониб халқимиз озодлик нашидасидан тўла бахраманд бўладиган он етиб келди. Шундан сўнг ангренликлар сафи янада ортди. Шахтёрлар ёнига уруддан қайтган жангчилар келиб қўшилишди. Ангреннинг истиқболи порлоқ эди. Бу ердаги мислсиз ер ости бойликлари посёлкани кенгайтириш, кўплаб корхоналар қуришни тақозо этарди.

1946 йили 13 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Ангреншахтострой» Ангрен шаҳри деб эълон қилинди .Бугунги чароғон шаҳарнинг таржимаи ҳоли ўша кундан бошланади. Урушдан сўнги йиллар ичида Ангрен шаҳрида қатор корхоналар, комбинатлар вужудга кела бошлади. «Ўзбекуголь» трести, Керамика комбинати, Ангрен ГРЭСи, қатор қурилиш ташкилотлари вужудга келди. Энди Ангрен фақат кўмир саноати ривожланган шаҳаргина бўлиб қолмай, балки йирик энергетика, керамика, химия маҳсулотлари, металлургия, чинни буюмлари ва кўплаб қурилиш материаллари етказиб берадиган индустриал шаҳарга айланди. Ангрен бугунги кунда ўзининг рангбаранг ер ости бойликлари билан Иттифоқимизгагина эмас, балки жаҳонга ҳам танилиб бормоқда.

Шаҳарда 1964, 1968 йилларда Ангрен ГРЭСи ва «Подземгаз» станциясининг ишга туширилиши натижасида Ўрта Осиё энергия системаси янада катта қувватга эга бўлди. Бутун Ангрен воҳаси Ильич нури билан таъминланди.

Ангрен йилдан-йилга барқарор шаҳарга айланиб бормоқда. Бунда Ҳурмат Белгиси орденли «Ўзбекшахтострой» трести бинокорларининг ҳиссаси катта. Қўли гул бунёдкорлар жуда кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ва кўркам биноларни қуриб беришди. Уларнинг меҳнати туфайли шаҳарда халқ маорифи ва маданий муассасалар бинолари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, кўплаб турар жой фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда шаҳар аҳолисининг сони юз минг кишига етди. Бу ерда 40 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек иноклик билан ҳаёт кечирмоқдалар.

Ангрен фақат ишчилар шаҳарчасигина эмас, балки катта маданий марказ ҳамдир. Шаҳарда учта истироҳат боғи, ўн икки клуб, 34 мактаб, 70 кутубхона, ўлка музейи, картиналар галереяси, бир неча кино театр, шу жумладан 800 ўринли кенг экранли «Ангрен» кино театри мавжуд. Бу маданий бойликларнинг ҳаммаси шаҳар аҳолиси томонидан ўттиз йил ичида яратилди. Албатта, эришилган ютуқларда шаҳар партия ташкилоти, бошланғич партия ташкилотларининг, ҳар бир ангренликнинг роли катта. Ангренда яшаётган ҳар бир киши ажойиб бир ўй билан: «Шаҳримни кундан-кунга қудратли, гўзал ва шинам қилиш учун интиламан», деган мақсад билан яшамоқда. Бундай орзу билан истиқомат қилаётганларга партия ташкилотлари ишчанлик вазиятида бошчилик қилмоқдалар. Сўнгги беш йил ичида шаҳарда ишчи коммунистларнинг сони 81 процентга ортди. Агар 1946 йилда шаҳарда ҳаммаси бўлиб тўрт юз етмиш олти нафар коммунист фаолият кўрсатган бўлса, бугун 4160 КПСС аъзоси меҳнат фронтида жасорат кўрсатмоқдалар.

Шаҳар аҳолиси, уни ташкил этган биринчи ветеранлар анъанасини ҳамон давом эттираяпти. Буни тўққизинчи беш йиллик якунларидан билса ҳам бўлади. Ангрен бунёдга келаётган йиллари Ф. И. Мариничев, И. В. Бредихин, И. В. Олейников сингари шахтёрлар томонидан баланд кўтарилган ғолиблик байроғи бугун Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турғун Хасанов, Хўжа Аликулов сингари жўшқин авлод қўлида. Бу байроқ Валентин Максимович Лазерев, Алексей Константинович Волков каби ўт юраклар қўлида. Шунинг учун ҳам тўққизинчи беш йилликда шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 57 процент ўрнига 61 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги эса 46 ўрнига 50 процент ўсди. Ана шу йиллар мобайнида Олтин қазиб олиш фабрикаси, Кўчбулоқ кони, резина комбинатининг биринчи навбати, йирик панелли уйсозлик комбинати, Оҳангарон сув омборининг биринчи навбати бунёд этилди. Шаҳар янада кўплаб мактабларга, болалар боғчаларига, ясларга ҳамда турар жойларга эга бўлди.

Коммунистик жамият қуриш йўлида ҳалол меҳнат қилиш шаҳар меҳнаткашларининг асосий шиоридир. Шунинг учун ҳам Ангрен ишчилари, хизматчилари ва зиёлилари 1973-1974 йилларда республика шаҳарлари ичида мусобақа ғолиблигини қўлга киритдилар. Шаҳарга шу йиллари Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва УзЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма, Қизил байроғи топширилди. Ўтган беш йилликда 63 нафар ангренлик меҳнат фидокорлари ватаннинг юксак мукофотига сазовор бўлдилар. «Ангрен» разрези, Керамика комбинатининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, «Узбекшахтострой» коллективининг Ҳурмат Белгиси ордени билан тақдирланиши шаҳар ҳаётида катта воқеага айланди.

Навқирон шаҳримиз Ангрен истиқбол йўлидан бормоқда. Унга бу йўлни КПСС XXV съезди белгилаб берди. Унинчи беш йиллик самарадорлик ва сифат йили экан, ангренликлар йил бошиданоқ шу шиор асосида иш бошладилар. 1976 йилнинг беш ойлик якуни шаҳар меҳнаткашларининг самарали ишидан далолат бериб турибди. Биргина май ойининг ўзида пландан ташқари 568 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шаҳримиз кончилари ишлаб чиқариш корхоналарининг хизматчилари бир беш йилликда икки беш йиллиқни бажариш ташаббуси билан чиққан «Узбекшахтострой» трестининг 6-қурилиш бошқармасига қарашли Дмитрий Андреевич Зазулин бошлиқ бригаданинг чақириғига қўшилиб самарали меҳнат қилмоқдалар.

Янги беш йилликда Ангрен янада кенг қулоч ёяди. Қурувчилар 225—240 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштирадилар. Бу маблағ ҳисобига янги автобус парки, газ аппаратуралари бўйича экспериментал заводнинг биринчи навбати, 47,6 минг квадрат метр майдондаги турар жой, 1568 ўқувчи ўринли мактаб ва бошқа қатор маданий муассасалар ишга туширилади. Энг муҳими Ангренда партия XXV съезди асосий йўналишларида қайд этилган йирик объект — 2,4 миллион киловатт қувватга эга бўлган янги ГРЭС қад кўтаради. Шунингдек резина комбинати қурилиши давом эттирилади, Оҳангарон сув омборининг иккинчи навбати қурилади. Шаҳарда 9 қаватли бинолар қуриш тажрибадан ўтказилади.

Шубҳа йўқки ангренликлар бундан буён ҳам юксак активлик билан ишлаб партиямиз XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорлик кўрсатаверадилар.

ЭРТАГА — ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик бирлашмаси чеварлари ўз байрамларини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш беш ойлик плани муддатидан олдин адо этилди.

Унинчи беш йилликда чеварлар эътибори КПСС XXV съезди қарорлари асосида маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида бирлашма директори О. Ҳ. ҚОДИРОВА мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

МАҲСУЛОТ сифати корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичидир. Шу боиздан ҳам биз тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш масаласига асосий эътибор бермоқдамиз. Саратовлик саноатчиларнинг нуқсонсиз ишлаш юзасидан бошлаган ташаббусларини чеварларимиз биринчилар қатори қўллаб-қувватлашди. Маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш бўйича бирлашмада махсус низом ҳам ишлаб чиқилди. Шу низомга биноан аъло сифатли маҳсулот тикиб чиқарган чеварларга маошнинг 20 процента ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда мукофот бериладиган бўлди.

Йиллар ўтиши билан сифатни бошқаришнинг янги-янги формалари туғилди. Кейинги пайтда сифатни назорат қилувчи бюро самарали иш олиб боряпти. Бюро аъзолари сифатсиз маҳсулот тайёрлаётган айрим участкалар ишини анализ қилиб, нуқсонларни бартараф этиш йўлларини кўрсатмоқдалар. Махсус конференциялар ўтказиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплаган коллективлар ташаббусини оммалаштирмоқдалар.

Кейинги пайтда биз маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш йўлида кўпгина тадбирларни амалга оширдик. Бу система олдиндан тузиб олинган график асосида босқичма-босқич йўлга қўйиляпти. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини пухта ўрганиш мақсадида бир группа мутахассисларимиз Тирасполь шаҳридаги «ВЛКСМ 40 йиллиги» тикувчилик фабрикаси ва Горький шаҳридаги «Маяк» тикувчилик бирлашмасига бориб келдилар. Илғор корхоналар тажрибаси асосида кейинчалик бирлашмамизда маҳсулот сифатини бошқаришнинг формалари ишлаб чиқилди.

Барча участкалар ишини координациялаш мақсадида бирлашмада сифатни бошқариш бўлими ташкил этилди. Бу бўлим техника контроли бўлимидан фарқли ўлароқ барча жараёнларда ишни сифатли бажариш устидан назорат ўрнатади, бошқаришнинг барча системасига методик раҳбарлик қилади.

Сифатни бошқариш бўлимида тўртта секция тузилган. Бу секциялар маҳсулот моделларини лойиҳалаш ва уни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, стандартлаш ва унификация қилиш, сифатини назорат остита олиш ва аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш, кўрилаётган тадбирлар иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича фаолият кўрсатяпти.

Бирлашма ходимлари тез-тез магазинларда бўлиб маҳсулотларнинг савдоси, аҳоли эҳтиёжи билан яқиндан танишиб борадилар. Талаб ва истаклар сифат бўйича тузилган Совет йиғилишида муҳокама қилинади. Бу Советга бирлашма бош инженери раҳбарлик қилмоқда.

Маҳсулот сифатини ошириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг техника даражасига боғлиқ. Шу боиздан ҳам биз илғор технологияни жорий этишга, ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Кейинги пайтда цехларда 9 та гидравлик пресс урнатилди. Тикув цехида эса 54 та янги замонавий машиналар монтаж қилинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш шароитини яхшилаш мақсадида технологик потокда 328 та кичик механизация воситалари қўлланиладиган бўлди. Бу янгиликлар эвазига 25 ишчи кучини иқтисод қилиш, 30 минг сўмликдан кўпроқ самара олиш имкони туғилди. Бичув цехида эса комплекс механизациялашган жараённи жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш ҳажми 32 процент кенгайди.

Бирлашмамиз илмий-текшириш институтлари билан иқтисодий ҳамкорликда яна бир қатор янгиликларни жорий этди. Ҳозир бизда болалар учун тайёрланаётган кийим-бошлар турли хил аппликациялар билан чиқаяпти. Бунинг учун махсус комплекс механизациялашган участка ташкил этилган. Участкада расмлар комплекти ва аппликациялар элементи танлаб олинган. Кейинги пайтда аппликацияли кийим-бошлардан 65 минг донаси ишлаб чиқарилди. Бундан корхонамиз 26,2 минг сўмлик иқтисодий самара олди. Илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган болалар учун пальтолар ишлаб чиқарувчи комплекс механизациялашган потокдан ҳам катта фойда кўряпмиз.

Эндиликда давлат Сифат белгиси олган 59 моделдаги маҳсулотлар элга тақдим этиляпти. Ўтган йили бундай аъло сифатли пальтолардан 8 миллион 321,2 минг сўмлиги ишлаб чиқарилди. Бу бирлашма бўйича тайёрланаётган маҳсулотларнинг салкам 15 процента демакдир. Лекин эришилган ютуқлар бизни ҳали қониқтирмаяпти. Унинчи беш йиллик самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. КПСС XXV съезди қарорларида аҳолига етказиб берилаётган кенг истъемол моллари сифатини янада яхшилаш вазифаси қўйилган. Коллективимиз съезд қарорларини бажара бориб иш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган янги-янги тадбирларни ишлаб чиқмоқда.

Ҳозир чеварлар диққат-эътибори ўнинчи беш йиллик тошириқларини барвақт бажариш ва маҳсулот сифатини бутун чоралар билан янада яхшиланга қаратилган.

ҚАҲРАМОН ШАХТЁР

У ЭНДИ ўн етти ёшга тўлган эди. Кексайиб қолган отаси Хасан ака чой устида гап бошлади:

— Ота-она фарзанд улғайтирар экан ажойиб орзу: ўғил, қизим катта бўлса ёнимга киради, кўмаклашади деган ширин хаёл билан яшайди,— деди у.— Мен ҳам шундай мақсад билан яшадим. Кўриб турибсан, кексайиб қолдим. Энди ёнимга кирсанг, кучинг етганча оилага кўмаклашсанг.

Турғун гапнинг нима устида бораётганини яхши биларди. Дурадгорчилик билан шуғулланган отаси бир касалликка чалинди-ю, кейин оила моддий жиҳатдан қийналиб қолди. У отасининг сўзини иккита қилмади. Тўғри шахтага йўл олди. Ёш йигитча учун шахтада ишлаш анча оғир бўлса-да, уни меҳрибон кишилар ўз бағрларига олишди. Бундай устозлардан бири Раҳмонқул Мелибоев эди. Устоз Турғунга бошдан-оёқ разм солгач: «одобли кўринасан йигитча, билагингда кучинг ҳам бор, сендан шахтёр чиқади» деди. У Турғунга кон ишидаги дастлабки «сир»ларни ўргата бошлади. Аввало қўрқмаслик, ҳамиша эҳтиёткорлик, ҳалоллик, дўстга ,коллективга садоқатли бўлишини тушунтирди.

Турғун бу насиҳатларга қулоқ солди. Лекин биринчи бор ер остига тушганида устозининг гапларини ёдда тутишига қарамай, юраги сал орқага тортди. Унинг кўнглига бир зум бўлса ҳам ноҳуш воқеалар соя ташлаганди. Турғун сменадан кейин юзага кўтарилганда уйга бориб ўйлаб кўришга ният қилди. Отасига маслаҳат билан мурожаат этди. Албатта, ҳар қандай ота-она фарзанд кўнглига озор етказишни истамайди. Шунинг учун ҳам ота «майли иш кўп, ўзинг биласан, кўнглинг чопган касбни танласанг бўлгани болам», деди. Кейин у одамни фақат меҳнат элга таниришини, эзозлашини айтиб ҳаётдан мисоллар келтирди.

Турғун шу куни яна узоқ ўйлади. У ўзининг ҳолатини китоблардан ўқиган, одамлардан эшитган қаҳрамонларга солиштириб кўрди. Гўё булар олдида Турғун ўта кўрқоқ, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган одамдек туюларди. Унинг юрагида нимадир қайнок бир ҳис жўш урди-ю, яна шахтага йўл олди. Т. Ҳасанов бир суткалик сир асрорлари ҳақида Меливой акага айтмади. Қўлига каттагина болга ва белкуракни олиб, ишга киришди. Ўшандан бери 33 йил ўтди. Ўттиз уч йил. Айтишга осон, Аслидачи?

— Аслида ҳам оғир, ҳам шарафли йиллар,— дейди Турғун Хасанов.— Шахтёр меҳнатининг оғирлиги ҳақида гапириб ўтирмайман. Уни ҳамма билади. Шарафлиси шундаки ҳар бир хонадонда шахтёр қалбининг ҳарорати бор.

Турғун ака ҳақ гапни айтди. У биринчи вагондаги кўмирни Тошкентга кузатиб келганида шахтёрлик касбининг нақадар улуғлигини яхши ҳис этганди. Бир группа шахтёрларни ўшанда Марказком биринчи секретари Усмон Юсупов қабул қилди. Уруш авж олган йиллар бўлганлиги учун кўп суҳбатлашишга тўғри келмади. У. Юсупов уларни дастлабки маҳсулот қазиб олиганлиги билан табриклагач, ҳар бир шахтёрга кийим-бош совға қилинди. Кейин шахтёрлар яна ўз постларига йўл олдилар. Турғун Ангренга етгунга қадар унинг хаёлини: «Шахтёрлик улуғ касб экан. Республика раҳбари қабул қилди-я» деган хаёл тарк этмади.

Т. Хасанов ана шу улуғворликни оқлаш учун астойдил меҳнат қила бошлади. Олдин ўзи шогирд бўлган бўлса, кейин ўнлаб ўзи каби шогирдларни тарбиялади. Шахсий мажбуриятлар олиб вагон-вагон «қора олтин» қазиди. Мусобақада ҳамиша пешқадам бўлди. Кейин унинг меҳнатини партия ва ҳукуматимиз улуғлади. Дастлаб Турғун ака кўксини медаллар, орденлар безади. Кейин эса бу мукофотлар ёнига Олтин Юлдуз қўшилди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган кун тўққизинчи шахта коллективи учун катта байрамга айланди. Чунки меҳнат ветерининг муносиб мукофотланиши бошқа кончиларда ўз касбига катта муҳаббат уйготган эди.

— Сизнинг йўлингиз меҳнатнинг шарафли йўли,— дейишди ҳамкасблари. Турғун акани олий унвон билан табриклашар экан. Шу йўлда сизга муваффақият тилаймиз.

Турғун ака анча ўйланиб қолди. «Меҳнатнинг шарафли йўли». Бу отаси айтган сўзларнинг фақат бошқа бир тусда айтилиши-ку. Демак, меҳнат қилган элда азиз деганлари шу эканда. Турғун ака яна шу шарафли йўлни давом эттириш ниятида ўз ишига киришди.

С. ҲАСАНОВ.

ЧИРЧИҚ пойафзал фабрикасининг маҳсулотлари тобора бежирим ва сифатли бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқариш планларининг ошириб бажарилиши ва маҳсулотнинг аъло сифатга топширилишида илғор ишчиларнинг ҳиссаси катта. Енгил саноат ходимлари байрамини муносиб кутиб олаётган Тўлаган Ражабов шундай пешқадамлардан бири. У ўттиз йилдан бери мазкур фабрикада меҳнат қилиб келяпти. Шарафли меҳнатлари эвазига Фахрий ёрлиқлар ва медаллар билан тақдирланган. Суратда: Т. Ражабов.

И. Глауберзо ва В. Сироткин фотоси.

Оила мактаб тарбия

БОЛА УЙИДА ЕЛГИЗ ҚОЛДИ... Дам олиш куни бўлгани учун, бугун у боғчасига бормаган. Она бозор-ўчар қилмани корзинка кўтариб эрта билан уйдан чиқиб кетган. Ота командировкада. Кўнгироқ жиринглади. Бола тирмашиб эшикни бир амаллаб очди. Ахир, унинг бўйи ҳали паст-да, эндигина беш ёшга тўлган. Корзинка ва сеткачи тўлдириб бозордан қайтган она ичкарига кирди. Бироқ, у ўз уйини танимай қолди: ҳамма нарса алгов-далгов холатда ҳар томонга сочилиб, қимматбаҳо чинни асбоблар синиб ётибди. Она даргазаб бўлиб, кичкинтойнинг қулоғидан чўзди, юзига шаппати урди. Болакай алам ўтиб ҳўнграб йиғларди...

Ҳурматли газетхон! Турмушда содир бўлиб турадиган бундай ходисалар сизни ажаблантирмаса керак. Чунки, бу хилдаги турмуш «икир-чикир»ларига кўникиб кетган бўлишингиз мумкин. Мундоқ қараганда она болани қилмиши учун жазолаб тўғри иш қилгандай кўринади. Аммо, чуқур ўйлаб қараганда, у ҳақми? Болада нима гуноҳ? деган савол туғилади.

Боланинг ножўя хатта-харакати учун тартибга чақириш, йўлга солиш, катталарнинг, биринчи галда, ота-онанинг вазифаси, албатта. Бироқ йўл қўйган айби учун унга тан жазоси бериш, унинг нимжонгина жонини қақшатиш керакмиди?

Еш болаларнинг шўхлиги, тиниб-тинчимаслиги, ўйинқароқлиги уларга хос бўлган физиологик хусусият. Лекин, биз катталар баъзан буни унутиб қўямиз-да, эътиборсизлигимиз орқасида рўй берган нохушликдан пушаймон еймиз, ҳатто бир умр ғафлатда қоламиз.

Бола учун зерикишдан ҳам оғир нарса бўлмаса керак. Бу ҳолат кўпинча уйда у ёлғиз қолганида ёки бирор нарса билан шуғилланиш имкони бўлмаганда рўй беради. Зерикиш туфайли у атрофидаги ҳамма нарсага бефарқ қарайди, юраги сиқиладиа ва бундан қутулиш учун истар -истамас бирор ишга қўл уради, кераксиз нарсалар билан шуғилланади. Кўпинча унинг хатти-ҳаракати мақсадсиз бўлади, ҳатто зарар ҳам келтиради.

Буни яхши тушунамиз-ку, аммо вақтида ҳаракатимизни қилмаймиз: болани ўз ҳолига ташлаб қўямиз, унинг ўқишидан, юриш-туришидан хабар олмаймиз. Ахир, бола кўчадан бери келмай ўзига ўхшаган «ўртоқлари» билан санғиб юрса, паст баҳоларга ўқиб, синфни орқага судраса, интизомсизлиги билан ҳамманинг жонига тегса, ундан келгусида қандай қилиб бир орзу қилган фарзанд, ажойиб граждан етишади?!

Оилада фарзанд туғилса, ота-она қанчалар қувонади, уни еру кўкка ишонмайди. Тўғри, севиш керак, ардоқлаш керак! Бироқ меъёри, чегараси билан. Баъзи ота-оналар болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиб, ортиқ даражада эркалатиб юборишади. Бунинг оқибатида у «там-тум» гапирадиган, ҳар нарсага ҳарҳаша қиладиган, инжиқ-табиат, айтганини қилдирадиган одат чиқаради. Бу «одат» яхшиликка олиб бормайди, аксинча бола вояга етган сари уни маънавий хароб қилади: ишёқмаслик ҳам, ота-онани менсимаслик ҳам, катталарга, айниқса, кексаларга ҳурматсизлик ҳам, бетга чопар-беандишалик ҳам, сурбетлик ва заҳархандалик ҳам, худбинлик-пасткашлик ҳам — барча ярамас сифатлар «эркин» тарбиянинг натижаси эмасми, аҳир!

ўйинчоқларни ўйнаб бўлгач, уларни ёйилган ҳолда қолдирмай йиғиштириб қўйиш, кийим-кечакларни ҳар жойга отмасдан бир жойда сақлаш, уйни ифлос қилмаслиги, ҳатто конфет қоғозларини ҳар жойда ташлаб кетмаслик ва ҳоказолар — гарчанд майда иш бўлиб кўринса-да, меҳнатни севиш-қадрлаш, саришталикка ўрганишда ғоят аҳамиятлидир.

Айрим ота-оналар болаларининг ўқишига бефарқ қарайдилар, уларни вақтида дарс тайёрлаши зарурлигини унитиб қўядилар-да, турли юмушларга жалб қилаверадилар. «Иш буюрсам, ҳар доим дарсингни неш қиласан, ҳеч ёрдаминг тегмайди, бор айтганимни қил!», «Мунча китобга ёпишиб олдинг, ўқиб олим бўлармидинг! Ярим кунинг мактабда ўтди, уйга келиб ҳам қўлинг тегмас экан-да!» — бундай сўзлар қулоққа эриш туюлсада, баъзи оналарда эшитилиб туради. Шундай чоғларда бола гангиб, нима қиларини билмайди: дарсини тайёрлай деса, уйдаги ишларга боқишмагани учун отаси ёки онасидан гап эшитади, машғулотларга ҳозирлик кўрмасдан мактабга борса, паст баҳолар олиб, ёмон аҳволга тушади, ҳатто ота-онасидан «шудинг йўқ» деган дашномларни эшитиб, маломатга қолади.

Бу, албатта, ота-оналарнинг мактаб педагогик коллективи билан алоқаси узилиб қолганини кўрсатади. Шундай кишилар ҳам борки, улар мактаб ота-оналар мажлисига қатнашиш у ёқда турсин, ҳатто бир йил давомида бирон марта ҳам болаларнинг ўқишидан хабар олмайдилар. Бундан ҳам ортиқ совуққонлик бўладими?

Бола синфдан синфга ўтиб, катта бўлиб борган сари, ҳар бир ишни катталар ёрдамида эмас, балки ўзи мустақил бажаришга одатланади. Унда ташаббус кўрсатиш фаолияти таркиб топади. Бу эса энг яхши хусусиятдир. У, боланинг онгли тарздаги амалий ҳаракатининг ифодаси, муайян ишни аниқ мақсад билан эркин ва мустақил ҳолда бажариш қўниқмасидир.

Кўникма бўлмас экан, ўзича бирон ишни мустақил бажара олмайди. Катталар нима ишни буюрса, шуни адо этиш билан кифояланади. Шунинг учун бўлса керак, айрим ота-оналар ўз болаларида мавжуд бўлган шу хусусиятни яхши фазилат деб тушунадилар ва «менинг болам жуда мўмин-қобил-да, нима иш буюрсанг, йўқ демасдан бажаради» деб мақтаниб қўйишади. Ваҳоланки, бу ижобий хусусият эмас, балки қусурдир. Бу одат келгусида унинг ўзи учун ғоят зарар келтиради.

Шу ўринда халқимиз орасида тарқалган бир ривоятни келтириш жоиздир. Бир киши ўз ўғлини одамлар гавжум бир жойда калтаклаб турганида, йўловчилар ундан «Нима учун болага азоб бераяпсиз?» деб сўрабдилар. Ҳалиги одам: «Чунки у мен буюрган ишни бажаради» деб, ўғлини яна ҳам дўппослай берибди. Отанинг «мўмин-қобил» фарзандини калтаклаб тўғри иш қилаётганини тушунган одамлар «маъқул жазо» деб йўлларига равона бўлган эканлар.

Қиссадан ҳисса шуки, бола бошқалар измн билан яшамасин. Балки, ўзининг мустақил ҳаёт йўлини топиб олсин. Шунда у саодат манзилига етади.

Болаларимиз ақли-ҳушини таниб олганда, уларни ҳунарли қилиб ўстирсак, кўп улуғ иш қилган бўламиз. Хусусан, пазандалик ва чеварлик сирларини ўрганиш қиз болаларнинг қўлини гул, келгуси ҳаётларини ҳур қилади.

Тасвирий санъат билан шуғулланиш эса болаларнинг эстетик завқларини оширишгина қолмай, тафаккур доираларини ҳам ўстиради, гўзалликни севиш ва қадрлашга ўргатади. Айниқса, музика санъати инсоннинг рухий дунёсини ёритувчи машъалдир. Бола тўғаракка қатнашиб, музика санъати билан қанча эрта шуғулланса, унинг учун шунча фойдалидир. Дам олиш кунлари музика билан шуғулланиш ўғил-қизларимизни толиқтирмайди, аксинча уларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганимизда, фарзандларимизнинг келажаги бизнинг қўлимизда! Улар бамисоли бир ниҳол. Шу ниҳолни эҳтиёт билан авайлаб парвариш қилайликки, у қаддини росмана ростлаб бўй чўзсин, гуркираб ўссин. Келгусида ҳосил беринг, мевалари билан барчани хурсанд этсин.

Абдуманнон ТОЖИЕВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати.

ФАРЗАНД МЕҲРИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Биз катталар болаларимизнинг айтганини эмас, балки болаларимиз бизнинг айтганларимизни бажо келтиришга ўргатайлик. Бунга талабчанлик билан эришамиз. Аммо, ўта талабчан бўлиш ҳам ўзимизга зиён келтиради. Болага тан жазоси бериш яхшиликка олиб бормайди. Жаҳолат орқасида ўз боласини майиб қилиб қўйганлар ҳам бор. Калтак зарбидан ўта даражада безбет бўлиб қолган болалар ҳам йўқ эмас. Яхшиси, болаларимизни ширин сўзлик билан йўлга солайлик, гоҳо койиш билан бир қаторда, вақтида рағбатлантириб қўйишни ҳам унутмайлик.

Кичик ёшидан бошлаб меҳнатга ўргатиш фарзанд келажаги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Зеро, кичкинтойларимизнинг ҳам ўзларига хос «ташвишлари» борки, улар шуғулланиш учун, гарчанд ўйин характерида бўлса ҳам, ўзларига етарли юмуш топа оладилар. Бироқ, энг муҳими, бу масалада уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилишдир. Хусусан, болада ўйинчоқларини саранжом-саришта тутиш, ўз кийимларини тартибли сақлаш, уйдаги жиҳозларни эҳтиётлаш, тозаликозодагарчиликка риоя қилиш одатини тарбиялаш бениҳоя муҳимдир. Чунончи,

БИЛИМ ва меҳнат тарбияси — эгизак. Мактаб қучоғида билим олиб, меҳнат кўникмасини ҳосил қилган ёшларнинг кўпи ҳозир шаҳар ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида ўқишни давом эттирмоқда. Тошкентдаги 63-ҳунар-техника билим юрти ҳам ана шундай кадрлар ўчоқларидан ҳисобланади. Ўқувчилар бу ерда моҳир педагоглар ва усталар раҳбарлигида фойдали касб-ҳунар эгалламоқдалар.
Суратда: уста Э. Нуралиев бўлажак ўринбосарлар билан машғулот ўтказмоқда.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

△ **«ЕРДАН йилига бир марта ҳосил олиса, дўстлик ҳамма вақт ҳосил беради».**
ПИФАГОР.

●

△ **«ҲАММА нарсани билишга киришиб, ҳеч нимани билмай қолгандан кўра, оз нарсани пухта билиш маъқул».**
ДЕМОКРИТ

●

△ **«СУРАТИ гўзал бўлган одамнинг ахлоқи ҳам гўзал бўлавермайди. Иш суратда эмас, кўнгилдадир».**
САЪДИЙ.

●

△ **«ТАРБИЯЛАШ яшашга ўргатиш демакдир. Ўзи ҳаёт кечиришни билмайдиган киши бирор кишини яшашга ўргата оладими, деган савол туғилади».**
ПИСАРЕВ.

●

△ **«АҚЛ-идрок, сабр-бардош ва осойишталик— ота-онанинг истеъдоди».**
УШИНСКИЙ.

ДИЛ САҲОВАТИ

ЭРТА билан туриб, юз-қўлни ювгандан сўнг оиламиз аъзолари билан саломлашамиз. Нонушта қилиб, кўчага чиқаркамиз, таниш-билиш, дўст-биродарларимизга дуч келамиз.

— Ассалому алайкум!
— Ваалайкум ассалом!
— Салом!
— Салом!

Кўришганда енгил табассум аралаш салом-алик қилиш ёки хайрлашиш башариятнинг ўзидай кўҳна одатлардандир.

— Биз «ассалому алайкум»— «Ваалайкум ассалом»га шу қадар ўрганиб қолганмизки, бу сўзларнинг қандай маъно англатишини аксари хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Маълумки, булар арабча сўзлар бўлиб, «ассалому алайкум»— «тинч, омон бўл» (тилимизда «саломлашиш, «кўришиш» маъносида ишлатиладиган «омонлашиш» сўзини эсланг), «Ваалайкум ассалом»— «сен ҳам тинч, омон бўл» деган маънони англатади.

Ёши катта одам билан ёши кичик одам кўришганда албатта, кичик биринчи бўлиб салом беради. Аммо, истар-истамас саломлашадиган ёки бўлмаса амалингизга, сизга иши тушиши ёки тушмаслигига қараб, шунга мос қилиб кўришадиган кишилар ҳам учраб туради.

Айрим олифтанамо ёшлар ўзидан катталарга салом бермайди-ю, лекин менсимагандек қилиб: «Салом бердик!» деб қўядилар. Шу билан бирга кибру ҳавога берилган отаси, бобоси тенги келадиган кишилар олдидан кўзини лўқ қилиб, бир оғиз саломга ярамай ўтадиганлар ҳам бор.

Шу бир оғиз сўз одамохунликнинг биринчи нишонаси, жамики яхши ахлоқ-одоб нормаларининг дебочаси, қалб саҳоватини очадиган бир калитдир.

ОДОБ САТРЛАРИ

△ **КИШИНИНГ** одоблилиги, меҳрибонлиги унинг бўй-бастига, савлатига қараб аниқланмайди.

△ **ОТА-ОНАНГ** сенга насиҳат қилаётганида жим туриб тинглашни одат қил. Бу сеннинг ота-онангга ҳурматингни билдиради.

△ **ОТА-ОНАНГ** ҳузурида ойнага қараб ўзингга оро берма. Бу —андишасизлик бўлади.

△ **БИРОВГА** яхшилик қилсанг, уни таъна қилма. Халқимизнинг «Яхшилик қил— дарёга от, балиқ билади. Балиқ билмаса— холиқ билади» деган ҳикматини унутманг!

△ **КАМТАРЛИК** — жасорат тожи деган сўзнинг маъзини чақ.

△ **КАМГАПЛИК** донолик белгиси, сергаплик нодонлик нишонаси.

△ **ОДАМЛАР** орасида хуштак чалма, қаттиқ кулма. Бошқаларга малол келади.

△ **ЎЗИНГДАН** катта ёшдаги кишилардан, гарчи унинг тутган мавқе кичик бўлса ҳам тўрга ўтма. Бу одобдан бўлмайди.

△ **МЕНИНГ** ёшим катта деб, ўзингиздан кичикларга бешафқат ёки беписанд бўлишга одатланманг. Ота-боболаримиз ақл ёшда эмас, бошда деб бежиз айтишмаган.

△ **ДЎСТИНГ** билан суҳбатлашганда бировни ғийбат қилма. Чунки, дўстинг билан сеннинг орангда ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин.

△ **БИРОВ** қоқилиб йиқилганини кўрсангиз, эниҳор кулманг, масҳараламанг. Ўқса, ўзингизни унинг ўрнига бир қўйиб кўринг-а!

△ **БЕМОРНИНГ** руҳини кўтариш одобдандир. Ожизлардан кулганларни ақли ожиз деяверинг.

△ **МЕҲМОНИНГНИ** пастга ўтказиб, ўзинг юқорида ўтиришга одатланма!

△ **УЙИНГДА** ота-онанг меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтирганда укаларингни йиғлатма, ота-онанг меҳмон олдида изза бўлмасинлар.

БОЛА БОШИДАН...

ЕШ АВЛОДНИ ўқитиш ва тарбиялаш ғоят масъулиятли вазифа. Бу соҳаларнинг қатор муаммолари ва ўзига яраша «икир-чикир»лари бор.

Педагоглар ва ота-оналарнинг редакциямизга йўллаган хатларида кўпчиликни қизиқтираётган масалалар хусусида гап боради. М. Тўйчиев (Тошкент), Х. Акбарова (Янгийўл райони), Ю Қувноқова (Пискент районя) ва бошқа ўртоқлар «Одоб эстетикаси нима?», «Пул болани бузадими?» каби саволларга жавоб беришни илтимос қилишибди.

Қуйида тажрибали педагогларнинг шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари баён этилди.

ХУЛҚИ АЪЛОНИНГ —ЎЗИ АЪЛО

КЕЙИНГИ йилларда нафосат тарбияси масалаларига эътибор кучайди. СССР Педагогика фанлари академияси билан СССР Рассомлар союзи ҳамкорликда яқинда ишлаб чиққан эстетика машғулотлари программаси ўқув йилараёнидан ўрин ола бошлади. «Ёшларимиз «яхши» ва «аъло» баҳоларда ўқиш билан бирга, юриш-туришда, муомалада, кийинишда намуна бўлишлари, маънавий гўзалликка эришишлари лозим. Одоб эстетикаси ана шу каби фазилатларни тарғиб қилади.

Одоб эстетикаси нафосат тарбиясининг муҳим соҳаларидан биридир. Биз кўпинча болаларни одобли, ақлли бўлишга чақирамиз. Ахир айтишадику, хулқи аълонинг — ўзи аъло, деб!

«Биз мактабдаги одоб эстетикаси дарси ҳам худди физика, химия, ўзбек тили ва адабиёти дарслари каби доимий бўлишини истаймиз», — деб ёзишади юқори синф ўқувчиларимиз. Бу, ёшларнинг хулқи маданиятга интилиши ҳаёт тақозоси эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биз, педагоглар талабаларимиз камтар, хушмуомалали бўлишини истаймиз. Булар кўп жиҳатдан кишининг нутқ маданияти, диди билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам одоб эстетикаси машғулотларида бу тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдириш ва буларга амал қилдириш ўқитувчининг доимо диққат-эътиборида бўлмоғи даркор.

Дарс машғулотларидан сўнг, уйга вазифа сифатида саволларга жавоблар қайтариб келиш топширилиши мумкин. Бунда ўқитувчи томонидан тузилган анкета сўроқлари айниқса қўл келади. Чунончи, «Совғани қандай тақдим этиш керак?», «Меҳмонларни қандай кутиб олиш даркор?» сингари саволлар ҳам анкетадан ўрин олса, ёмон бўлмайди.

Ўқувчилар ёзиб келган жавобларни синфда коллектив равишда ўқиб чиқиш, тўлдириш, айрим таклифларни киритиш машғулотнинг таъсирчанлигини оширади, саволларнинг моҳияти чуқур англашилади.

Қисқаси, бундай машғулотлар ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотади, уларни эстетик маданиятнинг ўзига хос томонлари билан таништиради, маънавий пок, руҳан бой, ахлоқий гўзал бўлишга даъват этади.

Воҳид НУРМАТОВ,
Калинин районидаги 29-мактабнинг директори.

ОТА-ОНА МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАНГ

ОТА-ОНАНИНГ рўзғорсовар бўлиши, меҳнат билан топилган ҳар бир тийинни жой-жойига сарфлаши, болаларни ҳам кичикликда бу ишларга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Тўпланган маошни оилада нималарга сарфлаш лозимлиги келишиб олинса, нур устига аъло нур бўлади. Шундай қилинганда бирон киши ортиқча ҳаражат қилишга ботинолмайди. Болалар ҳам бунга тушуниб, ўринсиз талаблардан ўзларини тийишга ўрганадилар.

Болани оила-рўзғор ишларига ўргатиш билан бирга, пул билан муомала қила олишга ҳам одатлантириб бормоқ керак. Аввал фарзанд бу ишларда бизга дастёрчилик қилади, кўзи билан кўриб ўрганади. Астасекин унинг ўзига ҳам пул бериб, кичикроқ ҳаражатлар қилишни топшириш лозим. Бунда ота-онанинг болага ишонч билан қараши, бажарган иши учун миннатдорчилик билдириши муҳимдир.

Фарзандни шунга ўргатиш керакки, ҳеч қачон у қолган пулни чўнтагига солиб қолишни ўйламасин, ҳалолликка ўргансин.

Шундай ҳам бўладики, айрим ота-оналар «хотамтойлик» қилиб, қолган қайтимни болаларидан талаб қилмайдилар, бу билан катта хатога йўл қўядилар.

Баъзи ота-оналар эса маош олган куни «ечилиб» кетишади. Ўғил-қизларига қимматбаҳо ўйинчоқлар, қўша-қўша кийимбошлар олиб келишади. Қарабсизки, биринчи ҳафтадаёқ пул тугай, деб қолади. Энди рўзғорни қисишга киришилади. Мана, режасизликнинг оқибати!

Қўша-қўша уст-бош, ўйинчоқлар уюлиб ётса, улар боланинг кўнглига тезда тегади. Инжиқлик қилиб, яна бошқаларини истаб қолади. Ҳамма буюмлар пешона тери билан топилган пулга келишини у хаёлига ҳам келтирмайди. Бунинг ўрнига бир сидра уст-бош қилиниб, уни аяб, озода кийинишга ўргатилса, айни муддао бўлур эди.

Ўйинчоқ хусусида ҳам шундай: бола учун қизиқ ва керакли ўйинчоқ олиб бериб, уни бузмай, эҳтиётлаб ўйнашни ўргатсак, тўғри қилган бўламиз. Шундагина фарзандимиз уларнинг қадрига етадилар.

Ота-онанинг тежамсизлиги ва ҳамма имкониятларим бор деб, боланинг райига қарайверириши тарбияни бузади. Хатто болани пулга ўргатиб қўяди. Натижада у пулнинг қадрига етмайди, қўлига ортиқча пул тушдими, эста-секин енгил ҳаётга ўрганади. Бунга ўз вақтида эътибор бермаган ота-оналар бир кун эмас бир кун панд ейдилар, ўғил-қизларидан яхши окибат кўрмайдилар.

Ҳамма нарсанинг ўз меёри, ўз ўлчови бор. Болани пулга ўргатиш ҳам, тежамкорликка одатлантириш ҳам ўзимизга боғлиқ. Уларни кичиклигидан ўзини тийишга, нарсаларни қадрлашга, эҳтиёт қилишга ўргатишга нима етсин!

Ойша ТЎРАЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

ҚУВНОҚ БОЛАЛИК — М. Миржалолов фотоэтюди.

БУСТОНЛИК район пионерлар уйининг ўқувчилар вокаль ансамблига кўпгина истеъдодли ёшлар аъзо бўлишган. Суратда: ҳаваскор Н. Еқубов қўшиқ ижро этмоқда.

И. Портнов фотоси.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

ЎСМИРНИНГ мустақил меҳнат қучоғига қадам қўйиши нақадар қувончли! Барча шодликларнинг манбаи — меҳнат эканлигини шу топда у чуқур ҳис этади, устозлар меҳрига қонади, ҳаётда ўз ўрнини эгаллай бошлайди.

Дарҳақиқат, меҳнат завқи ўзгача бўлади. Фидокор ишчи-деҳқонларимиз сафларини тўлдиришга, уларнинг ажойиб анъаналарини давом эттиришга бел боғлаган ёшларни эзгу мақсад сари етаклашда меҳнат дафтарчасини топшириш тантанаси ҳам муҳим ўрин тутади.

Ёшларга маънавий озуқа бахш этувчи бундай тадбирга ҳамма жойда ҳам яхши аҳамият берилаётибди, деб бўлмайди. Корхонага ёки хўжаликка келган йигит-қиз кадрлар бўлимига учрайди-ю, шу билан у ишга қабул қилинган бўлади. Кейинчалик меҳнат дафтарчасини топшириш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Бу ғоят муҳим иш. Меҳнат дафтарчасини тантанали топшириш яхши анъана бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун корхона ёки хўжаликда кадрлар бўлимининг мудири ёки қишлоқ Советининг раиси бошчилигида комиссия тузилгани маъқул. Бундай тантанага донгдор кишилар, меҳнат ветеранлари ҳам таклиф этилса, тағин ҳам яхши бўларди. Улар ўз тажрибаларини сўзлаб, ёшларни меҳнатни севишга, ундан бахт топишга даъват этадилар.

Бу билан меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳис-туйғуларини оширамиз, маънавий камолот сари етаклаймиз.

Давлат САЪДУЛЛАЕВ,
Ўрта Осиё нефть ва химия институтининг илмий ходими.

МИЛЛИЙ КЕРАМИКА ЖИЛОСИ



ТОШКЕНТ амалий санъат экспериментал-ижодий комбинати коллективи ҳозирги кунларда Одесса портида ремонт қилинаётган «Ўзбекистон» теплоходи учун сопол лаганлар ишлаб чиқарянти. Бу лаганлар улкан кема заллари ва ошхоналарини безайди. Суратда: «Ўзбекистон» теплоходи учун тайёрланган лаганлар.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

ПРОПАГАНДИСТЛАР ВА ТИНГЛОВЧИЛАР МАСЛАҲАТДОШИ

КПСС Марказий Комитети «Экономическая газета» ҳафталиги партиямиз қўйган улуғвор вазифаларни, КПСС XXV съезди қарорларини омма онгига етказишда муҳим воситадир. Редакция зиммасига партиянинг иқтисодий сиёсатини кенг ёритиш, меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш, раҳбар кадрлар, мутахассислар, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида туғилаётган илғор тажрибалар билан таништириб бориш вазифаси юкланган.

Газета чиқа бошлаган даврдан бери меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини яхшилашда партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига методик ёрдам кўрсатиб келаяпти. Газета саҳифаларида партия сиёсий маорифи, комсомол сиёсий маорифи, коммунистик меҳнат мактаби, халқ университетлари, семинар ва курслар учун типовой ўқув планлари ва програмалари эълон қилинмоқда. Редакция КПСС Марказий Комитети бўлими билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини такомиллаштириш практикаси ва истиқболлари масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида зонал илмий-амалий конференция ўтказди. Конференция материллари ҳафталик саҳифаларида эълон қилинди.

КПСС XXV съезди ўз ишини тамомлаган дастлабки кунлардаёқ «Экономическая газета» 9 мартда чиқарилган ўзининг 11-сонида съезд материалларини ўрганиш планларини босиб чиқарди. Шу сонда съезд материаллари юзасидан ўтказиладиган назарий конференцияларнинг намунавий тематикасини ҳам маълум қилди.

Янги ўқув йили КПСС XXV съезди материаллари, ўртоқ Л. И. Брежнев докладида иқтисодий қурилиш бўйича баён этилган назарий хулосалар ва қоидаларни мукаммал ўрганиш йили бўлди. 1976—77 ўқув йилида ҳам «Иқтисодий билим асослари» ва «Ишлаб чиқариш экономикаси ҳамда бошқариш асослари» курсларида съезд материалларини ўрганиш давом эттирилади.

Иқтисодий таълим системасида янги ўқув йилида ўнинчи беш йилликка мўлжаллаб тузилган перспектив план асосида машғулотлар олиб борилади. Бундай планларни тузиш тартиби газетанинг 9-сонида маълум қилинган.

Янги ўқув йилида «Иқтисодий билим асослари» курсини ўрганиб бўлган ишчилар ва колхозчиларнинг катта группаси «Социализм ва меҳнат» курси бўйича машғулотлар ўтишни бошлайдилар. Газетанинг 18-сонида шу курс типовой ўқув планлари ва программаси эълон қилинган. Навбатдаги сонларда эса «Социалистик жамиятда инженер меҳнати», «Раҳбар меҳнати» бўйича ўқув программалари ва планлари берилган. Бу ўқув планлари ва программалар кейинчалик «Правда» нашриёти томонидан китоб шаклда ҳам чиқариладн. Умуман ҳозир нашриётда иқтисодий таълим системасининг барча курслари бўйича 6 та китоб босмага ҳозирланмоқда. Уларда барча курсларнинг ўқув планлари ва программалари баён этилган.

Китобларни тайёрлашда социалистик мусобақа ташаббускорлари, мамлакатимизнинг энг илғор корхоналари тажрибасига таяндик. Унда ишлаб чиқариш новаторлари, иқтисодчилар, корхона раҳбарлари, партия ходимлари ўз мақолалари билан қатнашганлар.

Бу йил «Илғор тажриба кутубхонаси» туркумидан бешта мақола чиқарилди. Келаси йилда шу туркумдан чиқариладиган мақолалар бевосита иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш юзасидан тўпланган тажрибаларни баён этади.

«Илмий-назарий конференция», «Қизиқарли учрашувлар» каби рубрикалар остида чиқаётган материаллар кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Газетанинг 22-сонида Донецк шаҳрида «Илмий техника тараққиёти проблемалари» темасида ўтказилган илмий-амалий конференция материалларини эълон қилдик. Яна бир сонда иқтисодий таълим системаси пропагандистлари тажрибасига бағишлаб Киевда ўтказилган конференция материалларини бердик. Ҳар иккала мақола ҳам газетхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталикда кенг газетхонлар, шу жумладан пропагандистлар, иқтисодчилар, тингловчиларга мўлжаллаб «Иқтисодий иш самарадорлиги» рубрикаси остида материаллар, диаграмма ва таблицалар ҳам эълон қилинаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг «Экономическая газета» ҳафталиги иқтисодий таълим системаси пропагандистлари ва тингловчилари, коммунистик меҳнат мактаблари ва таълимнинг бошқа хил оммавий формалари учун актив ёрдамчи ва маслаҳатчидир. Унинг саҳифаларидан бой иқтисодий ахборотлар, маслаҳат ва тавсиялар, қизиқарли факт ва рақамлар топасиз.

Т. МИХАЙЛЮК,
КПСС Марказий Комитети «Экономическая газета» ҳафталиги бўлим редакторининг ўринбосари.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ХАБАР ҚИЛАДИ

БУДАПЕШТ. «Икарус» автобус заводи коллективи Венгриянинг бешинчи беш йиллиги мобайнида ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириб, 1980 йилда камида 60 минг автобус ясай олишларини ҳисоблаб чиқди. Корхона беш йил мобайнида қардош мамлакатларга 45 минг роҳатижон «Икарус» автобуслари жўнатади. Фақат СССРга жўнатиладиган автобуслар тўртинчи беш йиллиндагидан бир ярим баравар кўп бўлади.

ЖЕНЕВА. Бу ерда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш юзасидан Совет-Америка музокараларини олиб бораётган СССР ва АҚШ делегацияларининг учрашуви бўлди.

МАДРИД. Испания ички ишлар министрлиги Барселона вилоятидаги Матаро шаҳрида 10 июнь куни Каталония ишчилар комиссияси тузилганининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилиши лозим бўлган митингни тақиқлади. Министрлик митинг ўтказилишига рухсат бермаганлигини ишчилар комиссиялари «нолегал ташкилот» бўлганлиги учун шундай қилинди, деб изоҳлади.

РИМ. Италия министрлар кенгаши неофашистларнинг «Миллий авангард» ташкилотини тақиқлаш ва унинг ҳамма мол-мулкини мусодара қилиш ҳақида қарор чиқарди. Ташкилот раҳбарлари мамлакатдаги демократик ташкилотларга қарши игвогарлик ва террор ҳаракатлари қилишда айбланиб, қамалганларидан кейин бу ташкилот қонундан ташқари деб эълон қилинди.

Ҳукумат қарори жамоатчилик томонидан маъқуллаб кутиб олинди.

НЬЮ-ЙОРК. Куба ўзининг БМТдаги доимий ваколатхонасига қарши сурбетларча босқинчилик қилинганига қарши кескин норозилик билдирди.

Кубанинг БМТдаги доимий вакили БМТ Бош секретари Курт Вальдхаймга йўллаган мактубида, бу ҳаракат бир неча йиллардан бери Куба миссиясига ва унинг хизматчиларига қарши қилинаётган жуда кўп игвогарлик, дўқ-пўписа ва суиқасдларнинг биридир, холос, деб ўқтирди.

(ТАСС, 10 июнь).

ЮГОСЛАВИЯ ХУКУМАТИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

БЕЛГРАД, 10 июнь. (ТАСС). Югославиянинг Вашингтондаги элчихонаси биноси ёнида бомба портлатилганлиги муносабати билан ЮСФР Иттифоқ ижроия веҳеси Америка ҳукуматига кескин норозилик билдирди. Югославия ҳукумати, дейилади норозилик нотасида, бу ишни кескин қоралайди. Бу ғаламислик АҚШдаги Югославия ваколатхонасига ва бошқа дипломатия ваколатхоналарига қарши қаратилган террорчилик ҳаракатларидан биридир.

Американинг масъул органлари, деб таъкидланади нотада, АҚШдаги Югославия ваколатхоналарини тегишли равишда муҳофаза қилишни ташкил этмадилар, бу эса Вашингтон расмий вакилларининг иккала давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш тўғрисида айтган гапларига зиддир.

Шу муносабат билан «Борба» газетаси таъкидлаб ёзадики, Америка ҳукуматининг неча марталаб берган вазъдаларига қарамай, террорчилик ҳаракатларининг биронтаси ҳам текшиларгани йўқ, жиноятчилардан биронтаси ҳам қамоққа олингани йўқ. Бундай хуружлар кўпайиб бормоқда ва тобора шафқатсиз тус олмоқда, деб ўқтиради газета.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

«РЕСПУБЛИКАНГИЗГА, ШИФОКОРЛАРИНГИЗГА ҚОЙИЛ ҚОЛДИМ»

ИЛМИЙ тажриба алмашиш мақсадида серқуёш республикамизга келган АҚШдаги Аризона университетининг медицина профессори жаноб Даглас В. Хюстис ўлкамиз ҳаётн билан яқиндан танишди. У медицина муассасаларини бориб кўрди. Узбек шифокорлари билан суҳбатлашди, Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ходимлари олдида лекция ўқиди.

Шунингдек, америкалик меҳмон кўҳна Самарқандда бўлиб, тарихий ёдгорликлар билан танишди. Профессор республикамиздан олган бой таассуротларини қуйидагича ҳикоя қилади:

— Очиғини айтганда, серқуёш республикангизнинг бунчалик равнақ топганлигига аввал ишонқирамаган эдим, дейди профессор.— Айниқса, шифобахш даргоҳлар ва илмий муассасаларни завқ билан тамоша қилдим. Уларда чиндан ҳам катта шифовий муолажалар ва тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикангизнинг жўшқин ҳаёти, шоҳид бўлган воқеалар сизнинг диёрингиз ҳақидаги менинг тасаввуримни ўзгартириб юборди. Меҳмондўст республикангизда катта ўзгаришлар юз берибди. Мен Тошкентни эски, кичик бир шаҳарча деб ўйлар эдим, янглишган эканман.

Шаҳрингиздаги гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида бўлганимда ҳамкасбларнинг илмий фаолиятлари кенг йўлга қўйилганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бу даргоҳ фақат илмий марказ бўлибгина қолмай, балки чинакам йирик тажриба маркази экан. Бу ерда медицининг муҳим муаммолари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Биз институтнинг раҳбари, медицина фанлари доктори профессор Ҳожи Ҳакимов билан самимий суҳбатлашдик. Унинг йирик олим ва қобилиятли ташкилотчи эканлиги шундай кўриниб турарди. Профессорнинг раҳбарлигида институтда қон касалликларини даволаш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борувчи янги лабораториялар очилибди. Шу билан бирга институт ҳаётидаги бошқа янгиликларни ҳам билиб олдим. Илмий марказда дори-дармонлар тайёрланаётганлигини ҳам айтишди. Қисқаси, ҳозир гематологияда қўлланиладиган қон препаратларининг деярли барчаси шу ерда ишлаб чиқилмоқда.

Американинг олим СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия институтининг Тошкентдаги филиалида ҳам бўлди. У илмий марказнинг директори профессор Босид Воҳидов билан институт фаолияти ҳақида суҳбатлашди. Филиалнинг ташкил топиши фақат Ўзбекистондагина эмас, шу билан бирга бутун Ўрта Осиё бўйича медицина фани ва амалиётни янада тараққий эттиришда муҳим роль ўйнайди.

Американинг меҳмон институтнинг турли бўлимларини кўздан кечирди. Рентген-радиология, биохимия, клиник диагностика каби бўлимларда олиб борилаётган ишлар унда яхши таассурот қолдирди.

Профессор В. Воҳидов республикамизда медицина йилдан йилга кенгайиб бораётганлигини айрим шифобахш даргоҳлар мисолида гапириб берди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Туркистонда даволаш ишларига катта аҳамият берила бошланди, деди ўртоқ В. Воҳидов. Тошкентда нашр этилган «Туркистанские ведомости» газетаси ўзининг 1914 йил 27 сентябрь сонида шаҳар медицина ҳаёти ҳақида мақола ёритган эди. Унда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ачинарли аҳволда эканлиги кўрсатиб ўтилган эди. Эндиликда эса бизда аҳвол тамоман ўзгача. Революциядан олдин 129 та амбулатория ва касалхона, 33 та шаҳсий дорихона ишлаган эди. Совет ҳокимияти йилларида эса республикамизда жуда кўплаб шифохоналар очилди. Кўплаб юқумли касалликлар таг-томири билан йўқ қилиниб ташланди. Бизда кўп профилли ва ихтисослаштирилган касалхоналардан 1200 таси мавжуд. Бешта медицина олий ўқув юрти бор. 12 та илмий-текшириш институтида медицина фани бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Врачлар малакасини ошириш институти ҳам ишлаб турибди.

Серқуёш республикамизда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш борасида қўлга киритилаётган ютуқларга американинг профессор тан берди. Бизнинг республикамизга, моҳир шифокорларимизга қойил қолди.

Н. ҲАСАНОВ.

ТУРИСТИК АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Республикамиз Венгрия Халқ Республикаси билан туризм бўйича яқиндан алоқа боғлаган. Яқинда Совет-Венгрия дўстлик жамияти Узбекистон бўлими аъзоси Тошкент Давлат медицина институтида шу масалага бағишланган кеча бўлиб ўтди. Дўстлик кечасига қардош мамлакат «Ибус» саёҳатлар бюроси директорининг ўринбосари Кодай Карой меҳмон бўлиб келди.

Тўпланганлар бу ерда Венгрия миллий ёдгорликлари кўргазмаси билан танишдилар, туризм саёҳатлари ҳақида маълумотлар олдилар, турли викториналарда қатнашдилар.

— Республикангиз ҳам Венгрия сингари серқуёш ўлка,— деди учрашувда сўзга чиққан К. Карой.— Шунинг учун ҳам бу ерда мен ўзимни худди уйдагидек ҳис қилаяпман. Вазиятдан фойдаланиб, мени илиқ кутиб олганликларингиз учун миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Венгрия саёҳатлар бюросининг раҳбари учрашувда республикамизда туризм қандай йўлга қўйилганлиги билан танишганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Кейинги йилларда қардош Венгрияда туризм сезиларли даражада ривожланди. Агар бу мамлакатга 1964 йилда бир миллиондан зиёдроқ турист келиб кетган бўлса ўтган йили эса бу рақам 9,4 миллион кишини ташкил қилди. Венгрия Халқ Республикасининг тўртинчи беш йиллиги давомида 37 миллион турист серқуёш ўлка меҳмони бўлди. Бу аввалги беш йилликка қаранда 13 миллион кўп демакдир.

Венгрия туризм кунига бағишланган кеча жуда қизиқарли ўтди.

Ж. ҒУЛОМОВ.



ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Хардвардаги оғир электр ускуналари заводи мамлакат индустриясининг муҳим корхоналаридан ҳисобланади. Завод Совет Иттифоқининг дўстона ҳамкорлиги ёрдамида қурилган. Суратда: завод цехларидан бирининг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

МЕДИКЛАР ПАХТАЗОРДА

Яқинда Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати З. Омонов бошлиқ бир группа шифокорлар Чиноз ва Янгиўл районлари хўжаликларида бўлишди. Улар қишлоқ аҳлига намунали медицина хизмати кўрсатиб, бир қатор муҳим мавзуларда лекция-суҳбатлар ўтказдилар.

Область санитария маорифи уйи ходимлари ҳам ҳозир далама-дала кезиб юришибди. Улар шийпонларни санитария жиҳатдан жиҳозлашда, «тез ёрдам» бурчаклари ташкил этишда маҳаллий шифокорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Маориф уйининг мудири Ж. Хўжаев бошлиқ шифокорлар группаси яқинда Оққўрғон районидаги Х. Олимжон номли, «Озод» ва «Партия XXI съезди» колхозларида бўлиб қайтдилар.

Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Москванинг уч коллективи «Динамо», «Торпедо» ва Марказий армия спорт клуби футболчиларидан ташкил топган пойтахт терма командаси Барселонда ўзининг дастлабки халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказди. Маҳаллий команда составида Голландиянинг машҳур футболчилари Крунфф ва Неескенслар қатнашди. Неескенс биринчи бўлимнинг охирги минутида ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда Максименков ҳисобни тенглаштирди. Совет футболчилари олдинга чиқишлари мумкин эди. Лекин Долматов ўн бир метрлик жарима тўпидан фойдалана олмади.

Олий лига иштирокчилари ўртасида битта ўйин бўлди. Киев динамочилари Ворошиловграднинг «Заря» командаси билан бўлган учрашувда иккинчи составда қатнашишган бўлишларига қарамай ғолиб келишди. А. Марченко билан А. Хапсалислар киритган тўпга «Заря» ўйинчиси А. Куксов битта тўп билан жавоб қайтарди холос.

Иккинчи лигада пешқадамлик қилаётган «Янгиер» футболчилари яна бир ғалабага эришдилар. Улар 14-турда «Хоразм» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келишди ва очколарни 26 тага етказишди. Сирдарё футболчилари 17 учрашувда 12 та ғалаба қозониб, фақат икки ўйинни дуранг қилишди холос.

Шу турда Фарғонанинг «Нефтянник» командаси Нукус «Амударё» футболчиларни қабул қилиб, йирик — 6:0 ҳисобида ғолиб келишди. Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Динамо»— «Жиззах»— 2:1, «Пахтачи» —«Зарафшон»—1:1, «Шахтер» — «Хўжанд» — 2:0, «Целинник» — «Олга» —2:1, «Горняк» — «Химик»—2:1, «Актюбинец» — «Восток» —2:2, «Орбита» — «Спартак»— 0:1, «Металлург»— «Трактор»— 1:1.

ЯНГИ СПОРТ МАСТЕРЛАРИ

Яқинда республикамизнинг яна бир группа спортчилари СССР спорт мастери унвонига сазовор бўлдилар. Бутуниттифоқ ягона спорт классификацияси норматив ва талабларини бажаришгани учун тошкентлик дзюдочилар Н. Юсупов, М. Мирзаев, Л. Горбунов, С. Расулов, А. Елов, шунингдек Бухоро, Самарқанд, Андижоннинг бир неча спортчилари ҳам «СССР спорт мастери» унвонига сазовор бўлишди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН-РЕМОНТ ЗАВОДИГА

электр кўприкли кранларнинг машинистлари

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан, оилаликлар эса 2 йил ичида турар жой билан таъминланадилар. Пўлат ва чўян қуйиш цехи ишчилари бепул тушки овқат билан; қолган цех ишчилари эса бепул махсус кийим, махсус мойлар, билан таъминланадилар.

Уларга темир йўлдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Шаҳар атрофидаги поездларда қатнайдиганларга бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

ИШЧИЛАР ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ЕНИЛГИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 64-уй, кадрлар бўлими (22, 55, 63-автобуслар, 2, 5, 10, 12-трамвайларнинг «Космос магазини» бекати).

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00— Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «АББГДейка». 11.00— Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 —Тонгги почта. 12.00— Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Концерт. 13.15— Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 13.45 — Концерт. 14.15— **«Ёш гвардия»** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 15.40—«Ҳамдўстлик». 16.10— Музикали ҳаёт янгиликлари. 16.55— «Здоровье». 17.25— Мультфильмлар. 18.00 Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15— Концерт. 20.45 — Ҳужжатли фильмлар. 21.20 — **«Вақт»**. 21.50 — **Дон Кихот** (балет). 22.00 **Футбол:** «Динамо» (Тб)— «Карпат». 23.20 — Экранда Чарли Чаплин иштирокидаги фильмлар. 24.00— Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.05 —Программа. 10.10 — Янгиликлар. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00—Ёшлар ижоди. 11.30 — Наҳм ва наво. 12.30—«Физкультура ва спорт» 13.00— **Туғишгандан афзал** (бадиий фильм). 18.00— Программа. 18.05— «Юлдузча». 18.35— Тележурнал. 18.45— Турмуш ва маданият. 19.15— **«Ахборот».** 19.30— Талант соҳиби. Узбекистон ССР халқ артисти Асад Исматов ҳақида фильм портрет. 20.00 —**«Ахборот».** 20.20 — Қизлар давраси. 21.20 —«Вақт». 21.50 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.25 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|VI да **Бой ила хизматчи**, 13|VI да **Уйланиш.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12, 15|VIда **Беш кунлик нуёв** (17.30).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (15.00, 19.30).

Кино

Тошқин (3, 4-серияларн) — САНЪАТ САРОЙИ (12, 13.30, 16, 18,30, 20.45), «ЧАЙКА» (13.45). «НУКУС» (11, 14, 17, 20), «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21).

Фил учун орнестр билан ижро этиладиган соло — «ЎЗБЕКИСТОН», (12, 15, 18, 21), НАВОИЙ номли (11, 14, 17, 20), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда),

Бўлинган осмон — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШҚЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт ва тоқ соатларда).

Икки тоғ орасидаги воқеа— «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (10, 14, 30, 18,30, 20).

Бургут парвози — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Оқ тиш; Оқ тишнинг қайтиши — «ЯНГИОВОД» (11, 14, 17, 20).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—13186. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. В—2575.